# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI HOKIMINING
# FARMOYISHI

Andijon shaxar, Abdurauf Fitrat ko’chasi 239-uy

2021 - yil 13 - oktabr 83-1-0-F/21 Andijon viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарори асосида вилоятда олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш ҳамда 2021 йил Инвестиция лойиҳаларини танлов савдоларини ўтказилишида шаффофиликни таъминлаш мақсадида:

1. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2021 йил 7 октябрдаги 09-406-сонли хати инобатга олинсин.

2. 2021 йилда “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмачилигида Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришга электрон танлов (тендер)ларни ўтказиш орқали пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича қайта тузилган танлов (тендер) комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда бажариладиган ишларга пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича қайта тузилган электрон танлов (тендер)ларни ўтказиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 апрелдаги 46-ф-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят комиссияси раиси И.Холматовга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли қонуни талабларига қатъий риоя этган ҳолда иш олиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматовга юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш.Абдураҳманов**

Андижон вилоят ҳокимининг
2021 йил 13 октябрдаги
83-1-0-F/21-сон фармойишига
1-илова

**2021 йилда Андижон вилояти хокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигида Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришга электрон танлов *(тендер)*ларни ўтказиш орқали пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов *(тендер)* комиссияси**

**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| **Танлов комиссияси раиси** | | |
| **1.** | И.Холматов | Вилоят ҳокимининг ўринбосари |
| **Танлов комиссияси аъзолари** | | |
| **2.** | Х.Солиев | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош муҳандиси |
| **3.** | А.Абдумажидов | Вилоят қитисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **4.** | А.Очилов | Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **5.** | А.Юсупов | Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси етакчи мутахассиси |
| **6.** | А.Мухторов | Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари |
| **7.** | Х.Исроилов | Вилоят Молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи |

Андижон вилоят ҳокимининг
2021 йил 13 октябрдаги
83-1-0-F/21-сон фармойишига
2-илова

**2021 йилда Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигида Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришга электрон танлов *(тендер)*ларни ўтказиш орқали пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов комиссияси**

**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| **Танлов комиссияси раиси** | | |
| **1.** | Х.Солиев | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори |
| **Танлов комиссияси аъзолари** | | |
| **2.** | А.Халилов | Вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси |
| **3.** | А.Очилов | Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **4.** | А.Юсупов | Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси етакчи мутахассиси |
| **5.** | А.Мухторов | Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари |
| **6.** | Х.Исроилов | Вилоят Молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **7.** | А.Абдумажидов | Вилоят қитисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бўлим бошлиғи |
| **Танлов комиссияси котиби** | | |
| | Лавозимига кўра | Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг маркази ва қурилиш ва капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш учун танлов *(тендер)* ҳужжатларини тайёрлаш бўйича лицензияга эга бўлган ихтисослашган ташкилот раҳбарлари |